

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 9 » апрель 20 19 у.

№ 292

Toshkent sh.

**Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш  
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида  
(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
“Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш  
tizimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”  
2018 йил 19 майдаги 377-сон қарори)**

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 12-сон, 109-молда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

ушбу қарорнинг мақсад ва мазмуни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ташкил этилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 9 апрелдаги  
292-сон қарорига  
илова

### **Йўл ҳаракати қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 41-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Светофорнинг (реверсивдан ташқари) ёки тартибга солувчининг тақикловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиги (5.33 йўл белгиси) олдида (бунда транспорт воситасининг энг олдинги нуқтаси тўхташ чизиги устига чиқиб кетмаслиги керак), бундай чизик бўлмаганда эса:”.

2. 78-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ДЙҲХХ билан келишилган ҳолда, йўл шароитлари юқори ва кичик тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайдиган ҳолларда йўлларнинг айрим қисмлари ёки ҳаракатланиш бўлақларида айрим транспорт воситаларига ҳаракатланиш тезлигини оширишга ва пасайтиришга (тегишли йўл белгиларини ўрнатиб) ваколатлидир”.

3. 88-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Аҳоли пунктларидаги иккита ҳаракат бўлаги бўлган ва ўртала трамвай изи бўлмаган бир томонлама ҳаракат ташкил этилган йўлларда тўхташ ва тўхтаб туришга руҳсат этилади”.

4. 89-банднинг биринчи хатбошидаги “катнов қисмида бир қатор қилиб” сўзларидан кейин “катнов қисми четига параллель равишда” сўзлари қўшилсин.

5. 98-бандга қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“Айланма ҳаракатланиш чорраҳасида ҳаракатланаётган транспорт воситалари айланага кириб келаётган транспорт воситаларига нисбатан устунликка (имтиёзга) эга”.

6. 138-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“138. Куннинг ёруғ вақтида барча автототранспорт воситалари яқинни ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шарт”.

7. 162-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“(автотранспорт воситаларининг очик юк тапиш платформаларида, иссиқ асфальт, йирик габаритли ва оғир юклардан ташқари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат ва озиқ-овқат товарларини, шунингдек, тўкиладиган бошқа юкларни ташишда) юк мажбурий тартибда брезент ёки бошқа калин материал билан ёпилган бўлса”;

бешинчи-олтинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. 164-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“164. Ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юкларни танишида габарит ўлчамлари юкли ёки юксиз ҳолда эни бўйича 2,55 (рефрижераторлар ва изотермик кузовлар учун - 2,6) метрдан ва баландлиги бўйича йўл сатҳидан 4 метрдан, узунлиги бўйича якка автотранспорт воситаси учун – 12 метрдан, тиркама учун 12 метрдан, яримтиркамали автопоезд учун 20 метрдан, тиркамали автопоезд учун – 20 метрдан ортиқ бўлган ёки юки транспорт воситасининг олди ва орқа нуқтасидан 2 метрдан ортиқ чиқиб турган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши белгиланган тартибда ДЙХХХ билан келишилган бўлиши керак”.

9. 168-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“рулни ушламасдан ёки бир қўлда ушлаб ҳаракатланиш (манёврдан олдин ишоралар бериш бундан мустасно)”.

10. Йўл ҳаракати қондаларига 1-иловада:

а) 1-бўлим (Огоҳлантирувчи белгилар) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **“1. Огоҳлантирувчи белгилар**

Огоҳлантирувчи белгилар ҳайдовчиларга хавфли йўл қисмига яқинлашаётганлиги ҳақида ахборот бериб, унда ҳаракатланишда шаронгга қараб тегишли чора кўришни талаб қилади.

1.1. “Шлагбаумли темир йўл кесишмаси”.

1.2. “Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси”.

1.3. “Диққат, темир йўл кесишмасини тўсувчи қурилма”. Ушбу йўл белгиси тўсувчи қурилма билан жиҳозланган темир йўл кесишмасига етмасдан ўрнатилади ва транспорт воситалари ҳайдовчиларининг олдида тўсувчи қурилма борлиги ҳақида огоҳлантиради.

1.3.1. “Бир изли темир йўл”.

1.3.2. “Кўп изли темир йўл”.

1.3.1. - бир изли темир йўл, 1.3.2. - икки ва ундан ортиқ изли темир йўл белгилари шлагбаум билан жиҳозланмаган темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилади.

1.4.1-1.4.6. “Темир йўл кесишмасига яқинланиш”.

Аҳоли пунктларидан ташқарида темир йўл кесишмасига яқинлашаётганлик ҳақида кўшимча огоҳлантириш беради.

1.5. “Трамвай йўли билан кесишув”.

1.6. “Тенг аҳамиятли йўллар кесишuvi”.

1.7. “Айланма ҳаракатланиш билан кесишув”.

1.8. “Светофор тартибга солади”. Ҳаракат светофор орқали тартибга солинган чорраха, ниёдалар ўтиш жойи ёки йўл қисмини билдиради.

1.9. “Кўтарма кўприк”. Кўтарма кўприк ёки солда кесиб ўтиш.

1.10. “Соҳилга чиқиш”. Дарё ёки сув хавзаси қирғоғига чиқишни билдиради.

1.11.1, 1.11.2. “Хавфли бурилиш”. 1.11.1 - ўнга, 1.11.2 - чапга йўл белгилари йўлнинг кичик радиусли ёки кўриниши чекланган бурилиш жойини билдиради.

1.12.1, 1.12.2. “Хавфли бурилишлар”. 1.12.1 - биринчи бурилиш ўнга, 1.12.2 - биринчи бурилиш чапга йўл белгилари йўлнинг хавфли бурилишлари бўлган қисмини билдиради.

1.13. “Тик нишаблик”.

1.14. “Тик баландлик”.

1.15. “Сирпанчик йўл”. Йўлнинг ўта сирпанчик бўлган қисмини билдиради.

1.16. “Потекис йўл”. Қатнов қисми потекис бўлган йўл (ўнқир-чўнқир, ўйдим-чуқур жойлар, кўприкнинг йўлга потекис туғашуви ва шу қабилар) қисмини билдиради.

1.17. “Тош отилиши хавфи”. Транспорт воситасининг тилдираги остидан шағал, тош ва шунга ўхшашларнинг отилиб чиқиб эҳтимоли бўлган йўл қисмини билдиради.

1.18.1-1.18.3. “Йўлнинг торайиши”. 1.18.1 - икки томонлама торайиш; 1.18.2 - ўнга торайиш ва 1.18.3 - чапга торайишни билдиради.

1.19. “Икки томонлама ҳаракатланиш”. Йўлнинг (қатнов қисмининг) қарама-қарши ҳаракатланишли қисми бошланишини билдиради.

1.20. “Пиёдалар ўтиш жойи”. 5.16.1, 5.16.2 белгилари ва (ёки) 1.14.1-1.14.3 чизиқлари билан белгиланган пиёдалар ўтиш жойини билдиради.

1.21. “Болалар”. Болалар муассасаси (мактаблар, болаларнинг дам олиш масканлари ва шунга ўхшашлар)га яқин йўлнинг қатнов қисмидан болаларнинг чиқиб қолиш эҳтимолини билдиради.

1.22. “Велосипед йўлкаси билан кесишув”.

1.23. “Таъмирлаш ишлари”.

1.24. “Мол ҳайдаб ўтиш”.

1.25. “Ёввойи ҳайвонлар”.

1.26. “Тошлар тушиши”. Тош кўчиши, сурилиши ва тушиши мумкин бўлган йўл қисмини билдиради.

1.27. “Ёплама шамол”.

1.28. “Пастлаб учувчи самолётлар”.

1.29. “Туннел”. Сунъий равишда ёритилмаган ёки кириш пештоғининг кўриниши чекланган туннелни билдиради.

1.30. “Бошқа хавф-хатарлар”. Оғоҳлангирувчи белгиларда кўзда тутилмаган хавф-хатарлар бўлган йўл қисмини билдиради.

1.31. “Сунъий йўл потекислиги”. Йўлнинг сунъий потекислик ўрнатилган қисмига яқинлашаётганлиги тўғрисида оғоҳлангирди. Транспорт воситасининг ҳаракатланиш тезлигини мажбурий тарзда камайтириш учун қўлланилади.

1.31.1, 1.31.2. “Бурилишнинг йўналиши”. Кичик радиусли, кўриниши чекланган йўлда ҳаракатланиш йўналишини ва йўлнинг таъмирланаётган қисмини айланиб ўтиш йўналишини билдиради.

1.31.3. “Бурилишнинг йўналиши”. Г-симон чорраҳада ёки йўл айрилишларида ҳаракатланиш йўналишини, таъмирланаётган йўл қисмини айланиб ўтиш йўналишини билдиради.

1.32. “Тирбандлик”. Ушбу йўл белгиси вақтинчалик ёки тасвири ўзгарадиган ҳолатда тирбандлик ҳосил бўлган йўл ёки чорраҳага кириш олдида йўлни ёки чорраҳани айланиб ўтиш имконияти бўлган жойга ўрнатилади.

1.1, 1.2, 1.5-1.32 огоҳлантирувчи белгилари аҳоли пунктларида хавфли жойдан 50 - 100 метр, аҳоли пунктларидан ташқарида эса 150 - 300 метр олдин ўрнатилади. Зарурят бўлганда, бу белгилар 7.1.1 қўшимча ахборот белгисиде кўрсатилган бошқа масофада ҳам ўрнатилиши мумкин.

Агар нишаблик ва баландлик кетма-кет келадиган бўлса, 1.13 ва 1.14 белгилари бевосита нишаблик ва баландлик олдида ўрнатилиши мумкин.

Аҳоли пунктларидан ташқарида 1.1, 1.2, 1.9, 1.10, 1.21 ва 1.23 белгилари такрорланади. Иккинчи белги йўлнинг хавфли қисми бошланишига камида 50 метр қолганда ўрнатилади.

Агар катнов қисмида қисқа муддатли йўл ишлари олиб борилаётган бўлса, 1.23 белгиси иш бажарилаётган жойга 10-15 метр масофа етмасдан (7.1.1 қўшимча ахборот белгисисиз) ўрнатилиши мумкин.

1.3, 1.3.1 ва 1.3.2 белгилари бевосита темир йўл кесилишлари олдида, энг яқин рельсдан 20 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатилади:

б) 3-бўлимдаги (Тақиқловчи белгилар) ўттиз олтинчи – ўттиз еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3.32. “Хавфли юк ташиётган транспорт воситасининг ҳаракати тақиқланган”.

3.33. “Портловчи ва тез алашганувчи юкни ташиётган транспорт воситасининг ҳаракати тақиқланган”.

3.1-3.3, 3.18.1, 3.18.2, 3.19, 3.27 белгиларга амал қилиш йўналишли транспорт воситаларига, 3.2-3.8 белгилари белгиланган зонада жойлашган корхоналарга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларига, шунингдек, белгиланган зонада яшайдиган ёки ишлайдиган фуқароларга хизмат қилувчи ёки уларга тегишли бўлган транспорт воситаларига таъсир қилмайди. Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланган жойга яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак.

3.27 белгисиз йўналишсиз енгил таксиларга йўловчиларни тушуриш-чиқариш (юкларни ортиш-тушуриш) вақтида таъсир қилмайди.

Ушбу Қоидаларнинг 176-бандига биноан “Ногирон” таниш белгиси билан белгиланган автомобиллар ва кажавали мотоциклларни бошқараётган ногирон ҳайдовчилар 3.2, 3.3 ва 3.28 белгилари талабларидан четга чиқишлари мумкин. 7.18 белги бўлганда 3.27 белгисининг таъсир доирасида тўхташга руҳсат этилади.

3.28 - 3.30 белгиларининг таксометри ишлаб турган таксиларга тааллуқли эмас.

3.18.1 ва 3.18.2 белгилари катнов қисмларининг қайси кесилиши олдида ўрнатилса, шу кесилишга тадбиқ этилади.

3.16, 3.20, 3.22, 3.24, 3.26-3.30, 3.32, 3.33 белгилари белги ўрнатилган жойдан кейинги энг яқин чорраҳагача, чорраҳаси бўлмаган аҳоли пунктларида аҳоли яшайдиган ҳудуднинг охиригача таъсир қилади. Йўлга туташ ҳудудлардан дала ва ўрмонларнинг йўл билан туташган ҳамда иккинчи даражали йўллардан чиқиб жойларида, уларнинг олдига тегишли белгилар ўрнатилмаган бўлса, бу белгиларнинг таъсири йўқолмайди.

Аҳоли пунктларига етмай ўрнатилган 3.24 белгисининг таъсири 5.22 белгисигача кучини саклайди.

Белгиларнинг таъсир доираси аниқлаштирилиши мумкин:

3.16 ва 3.26 белгилари 7.2.1 қўшимча ахборот белгиси орқали;

3.20, 3.22, 3.24 белгилари 3.21, 3.23, 3.25 белгилари ва 7.2.1 қўшимча ахборот белгиси орқали;

3.27 - 3.30 белгиларининг амал қилиш оралиғи охирига 3.27 -3.30 белгилари 7.2.3 қўшимча ахборот белгиси билан бирга такрор ўрнатилади ёки 7.2.2 қўшимча ахборот белгиси билан қўлланилади.

3.27 белгиси 1.4 ётик чизиги билан биргаликда, 3.28 белгиси эса 1.10 ётик чизиги билан биргаликда қўлланиши мумкин, бунда белгиларга амал қилиш чизиқлар узунлиги билан аниқланади.

3.10, 3.27-3.30 белгилари йўлнинг қайси томонига ўрнатилган бўлса, уларга фақат ўша томонда амал қилинади”;

**в) 4-бўлимдаги (Буюрувчи белгилар) ўн тўққизинчи-йигирманчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилган:**

“4.6.1. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг биргаликдаги ҳаракати ташкил этилган йўлак”.

4.6.2. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг биргаликдаги ҳаракати ташкил этилган йўлакнинг охири”.

4.6.3. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати алоҳида ташкил этилган йўлак”. 1.1, 1.25 ва 1.26 ётик йўл чизиги ёрдамида, конструктив тарзда ёхуд бошқа усулда пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати ажратилган пиёдалар ва велосипедчилар йўлаги.

4.6.4. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати алоҳида ташкил этилган йўлакнинг охири”.

4.6.5. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати алоҳида ташкил этилган йўлак”. 1.1, 1.25 ва 1.26 ётик йўл чизиги ёрдамида, конструктив тарзда ёхуд бошқа усулда пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати ажратилган пиёдалар ва велосипедчилар йўлаги.

4.6.6. “Пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракати алоҳида ташкил этилган йўлакнинг охири”.

4.7. “Энг кам тезлик”. Фақат белгида кўрсатилган ёки ундан юқори тезликда (км/соат) ҳаракатланишга рухсат этилишини билдиради.

4.8. “Энг кам тезлик белгиланган йўлнинг охири”.

4.9.1, 4.9.2 ва 4.9.3 “Хавфли юк ташиётган транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши”. “Хавфли юк” таниш белгиси билан жиҳозланган транспорт воситаларининг ҳаракатига йўл белгисида кўрсатилган йўналишларда руҳсат берилади: 4.9.1 – тўғрига, 4.9.2 – чапга, 4.9.3 ўнгга”;

г) 5-бўлимдаги (Ахборот-кўрсаткич белгилари) олтмишинчи-олтмиш иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.42. “Қизил чироқда ўнгга ҳаракатланиш”. Транспорт светофори қизил чироқининг ўнг ёнига 5.42 йўл белгиси ўрнатилган бўлса, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари светофорнинг таққиловчи ишораси ёниб турганда, барча хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда ўнгга бурилишлари мумкин. Бунда улар ҳаракат йўналиши бўйича ва бурилаётган кўчани кесиб ўтаётган пиёдаларга ҳамда бошқа транспорт воситаларига йўл беришлари шарт.

5.43. “Радар”. Йўлларда автомобиль ҳайдовчилари белгиланган тезликка риоя этиши радарлар ёрдамида назорат қилинаётганлигини билдирувчи йўл белгиси. Ушбу йўл белгиси белгиланган ҳаракатланиш тезлиги назоратга олинган барча жойларга ўрнатилиши шарт.

Стационар маҳсуе техника воситаларидан фойдаланиладиган жойларда доимий йўл белгиларини, кўчма маҳсуе техника воситаларида фойдаланиладиган жойларда эса кўчма устунга вақтинчалик йўл белгиларини ўрнатиш кўзда тутилади.

5.44. “Велосипедчилар учун йўлак”. Йўл белгиси қайси ҳаракат бўлаги устига ўрнатилган бўлса, ўша ҳаракат бўлагига таъсир қилади. Йўлнинг ўнг томонига ўрнатилган йўл белгиси ўнг бўлакка таъсир қилади.

5.45. “Велосипедчилар учун йўлакнинг охири”.

Аҳоли пунктларидан ташқарида ўрнатилган 5.20.1, 5.20.2, 5.21.1 ва 5.21.2 йўл белгиларидаги яшил ёки кўк ранг кўрсатилган аҳоли пунктига ёки объектга автомагистрал ёхуд бошқа йўл орқали ҳаракатланиш мумкинлигини аниқлатади.

Оқ ранг кўрсатилган объект ушбу аҳоли пунктида жойлашганини аниқлатади.

Аҳоли пунктида ўрнатилган 5.20.1, 5.20.2, 5.21.1 ва 5.21.2 йўл белгиларидаги яшил, кўк ранг кўрсатилган аҳоли пунктига ёки объектга ушбу аҳоли пунктидан чиққандан сўнг автомагистрал ёхуд бошқа йўл орқали ҳаракатланиш мумкинлигини аниқлатади, оқ ранг эса кўрсатилган объект шу аҳоли пунктида жойлашганини билдиради”;

д) 6-бўлимга (Сервис белгилари) қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи-ўн олтинчи хатбошилар қўшилсин:

“6.13. “Халқаро автоташувчиларнинг назорат пункти”.

6.14. “Ҳожатхона”.

6.15. “Чиқинди йиғиш жойи”;

е) 7-бўлимда (Кўшимча ахборот белгилари):

ўн иккинчи хатбошидаги “7.4.7” рақами “7.4.8” рақами билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўттиз учинчи-ўттиз бешинчи хатбошилар қўшилсин:

“7.20. “Хавфли юк тоифаси”. Хавфли юк тоифасининг (тоифаларининг) рақамини кўрсатади.

7.21. “Эвакуатор ишламоқда”. 3.27-3.30 йўл белгилари таъсир оралигида тўхтаган транспорт воситалари мажбурий эвакуация қилинишини кўрсатади.

7.22.1, 7.22.2 ва 7.22.3 “Тўсиқ”. Ҳайдовчиларга тўсиқнинг узоқдан кўринишини таъминлаш мақсадида ўрнатилади. 4.2.1-4.2.3 йўл белгилари билан биргаликда ўрнатилади”;

ўттиз учинчи- ўттиз тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўттиз олтинчи- ўттиз еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

11. “Йўл белгилари” график чизмалари қисмида:

а) “Огоҳландирувчи белгилар” бўлимида:

1.2 тасвирдан кейин қуйидаги тасвирлар қўшилсин:



1.3.

Диққат, темир йўл кесилишини  
тўсувчи қурилма”;

1.30 тасвирдан кейин қуйидаги тасвирлар қўшилсин:



1.31.

Сунъий йўл потекислиги



1.32.

Тирбандлик”;

б) “Тақикловчи белгилар” бўлимига қуйидаги тасвирлар қўшилсин:



8

“



**3.32.**  
**Хавфли юк ташиётган**  
**транспорт воситасининг**  
**ҳаракати тақиқланган**



**3.33. Портловчи ва тез**  
**алангаланувчи юкни ташиётган**  
**транспорт воситасининг**  
**ҳаракати тақиқланган”;**

в) “Буюрувчи белгилар” бўлимига қуйидаги тасвирлар қўшилсин:

4.6 тасвирдан кейин қуйидаги тасвирлар қўшилсин:

“



**4.6.1**  
**Пиёдалар ва**  
**велосипедчиларнинг**  
**биргаликдаги ҳаракати ташкил**  
**этилган йўлак**



**4.6.2**  
**Пиёдалар ва**  
**велосипедчиларнинг**  
**биргаликдаги ҳаракати ташкил**  
**этилган йўлакнинг охири**



**4.6.3**  
**Пиёдалар ва**  
**велосипедчиларнинг ҳаракати**  
**алоҳида ташкил этилган йўлак**



**4.6.4**  
**Пиёдалар ва**  
**велосипедчиларнинг ҳаракати**  
**алоҳида ташкил этилган**  
**йўлакнинг охири**



**4.6.5**  
**Пиёдалар ва**

**велосипедчиларнинг ҳаракати  
алоҳида ташкил этилган йўлак**




**4.6.6**

**Пиёдалар ва  
велосипедчиларнинг ҳаракати  
алоҳида ташкил этилган  
йўлакнинг охири”**

4.8 тасвирдан кейин қуйидаги тасвирлар қўшилсин:

“



**4.9.1, 4.9.2 ва 4.9.3**

**Хавфли юк ташиётган транспорт воситаларининг  
ҳаракат йўналиши”;**

г) “Ахборот-қўрсаткич белгилари” бўлимига қуйидаги тасвирлар қўшилсин:

“



**5.42**


**Қизил чироқда ўнгга  
ҳаракатланиш**



**5.43**


11

**Радар**



**5.44**

**Велосипедчилар  
учун йўлак**



**5.45 «Велосипедчилар учун  
йўлакнинг охири»;**

д) “Сервис белгилар” бўлими график чизмалар қисмига қуйидаги тасвирлар қўшилсин:

“



**6.13**

**Халқаро автоташувчиларнинг  
назорат пункти**



**6.14.**

**Ҳожатхона**



**6.15**

**Чикинди йиғиш жойи”;**

е) “Кўшимча ахборот белгилар” бўлимида;

7.4.7 тасвирдан кейин қуйидаги тасвир қўшилсин:

“




**7.4.8**

**Транспорт  
воситасининг тури”;**

7.19 тасвирдан кейин қуйидаги тасвирлар қўшилсин:

“



**7.20**

**Хавфли юк синфи**



**7.21 Эвакуатор ишламоқда**



**7.22.1**



**7.22.2  
Тўсик”;**



**7.22.3**

**12. 2-илованинг 1-бўлимида (Ётиқ чизиклар):**

**а)** ўн олтинчи хатбошидаги “гартибга солинмаган” сўзларидан кейин “ва солинган” сўзлари кўшилсин;

**б)** йигирма иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

“1.18 – чорраҳада бўлақлар бўйича рухсат этилган ҳаракатланиш йўналишларини кўрсатади. Мустақил ёки 5.8.1, 5.8.2 белгилари билан биргаликда қўлланилиши мумкин; охири берк йўл тасвирланган чизик шу йўналишдаги ён томонда жойлашган қатнов қисмига бурилиш тақиқланганлигини кўрсатиш учун чизилади; четки чап бўлақдан чапга бурилишга рухсат берувчи йўналтиргич шу бўлақдан қайрилишга ҳам рухсат беради”;

**в)** куйидаги мазмундаги йигирма тўққизинчи-ўттиз учинчи хатбошилар қўшилсин:

“1.25 – пиёдалар йўлкасини ёки пиёдалар ва велосипедчилар биргаликда ҳаракатланиши мўлжалланган йўлканинг пиёдалар учун мўлжалланган қисмини билдиради;

1.26 – велосипед йўлкасини ёки велосипед ҳаракатланиши учун мўлжалланган тасмани билдиради;

1.27 – огоҳлантирувчи йўл белгиларини такрорловчи йўл чизиғи;

1.28 – тақиқловчи йўл белгиларини такрорловчи йўл чизиғи;

1.29 – сунъий йўл нотекислигини билдиради”;

**г)** йигирма тўққизинчи-ўттиз бешинчи хатбошилар тегишли равишда ўттиз тўртинчи-қирқинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**д)** “Ётиқ чизиклар” график чизмалар қисмига куйидаги тасвирлар қўшилсин:



**1.25 – пиёдалар йўлкасини ёки пиёдалар ва велосипедчилар биргаликда ҳаракатланиши мўлжалланган йўлканинг пиёдалар учун мўлжалланган қисмини билдиради;**




**1.26 – велосипед йўлкасини ёки велосипед ҳаракатланиши учун мўлжалланган тасмани билдиради;**



**1.27 – оғошлатирувчи йўл белгиларини  
такрорловчи йўл чизиги;**



**1.28 – тақикловчи йўл белгиларини  
такрорловчи йўл чизиги;**



**1.29 – сунъий йўл потекислигини  
билдиради”.**